



O'ZBEKISTON OVOZI

• 2013-yil, 9-fevral. Shanba • 16 (31.606)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

Обод турмуш йилида ЎзХДП олдида турган энг устувор вазифа аҳоли бандлигини таъминлаш ишларида фаол иштирок этишдан иборат. Хусусан, ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий имкониятларини таҳлил этиб, иш ўринлари ташкил қилиш бўйича муқобил таклифларни тайёрлаб илгари суриши талаб этилади.

ЎзХДП ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари мазкур вазифани бажаришда қатъийлик ва талабчанлик кўрсатиши зарур.

ЎзХДП: дастурий вазифалар ижроси



Санжар ШОТУЛАГАНОВ олган суратлар.

АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ Қўллаб-қувватлаш

Ижтимоий ҳимоя кучайишининг муҳим омили

Сирдарё вилояти Гулистон туманида ЎзХДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Марказий банк ҳамкорлигида Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш лойиҳаси доирасида электротар манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли вакиллари ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган амалий семинар ташкил этилди.

Унда партия фаоллари, депутатлар, Марказий банк ва тижорат банклари ходимлари, вилоят бандликка кўмаклашиш маркази, молия ва солиқ бошқармалари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими вакиллари, ҳудудий партия ташкилоти етакчилари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда электротар вакиллари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда.)

Амир Темурни англаш — ўзлгимизни англаш демакдир. Ислон КАРИМОВ

СОҲИБҚИРОН ЮРГАН ЙўЛЛАРДА

Бобур халқаро жамоат фонди қошидаги илмий экспедиция ўз анъанасига кўра, улуг аждодларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш мақсадида юртимиз ва хорижий мамлакатлар бўйлаб кенг кўламли изланишларини давом эттирмоқда. Жумладан, 2011 йил ёз ойларида экспедиция навбатдаги сафарга чиқиб, буюк Соҳибқирон Амир Темурнинг Олтин Ўрдага юришлари билан боғлиқ керакли маълумотлар тўплади.

Бу ҳақда «Ўзбекистон овози» (2011 йил 9 июль, 2012 йил 8 сентябрь) «Холис» (2012 йил 19 ва 26 сентябрь) ва бошқа газеталарда ҳисобот мақолалар эълон қилинди. Уларда Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон билан Соҳибқирон ўртасида бўлиб ўтган жанг ўрни тўғрисида айрим фикрлар ўртага ташланган, археология фани билан боғлиқ ҳолда, баъзи мулоҳазалар баён этилган эди. Мазкур чиқишларга илмий жамоатчилик томонидан илқ муносабатлар билдирилди.

Шуларни инобатга олиб, экспедиция аъзолари 2012 йил сентябрь ойида Қозғистон, Россия, Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Эрон ва Туркменистон давлатлари бўйлаб навбатдаги сафарни амалга оширдилар. Сафар мобайнида ушбу мамлакатлар ҳудудидаги 70 дан ортиқ аҳоли пунктларининг тарихи, бугунги кун, мейморий ва археология ёдгорликлар, музейлар билан яқиндан танишилди, муқаддас қадимжолар зиёрат қилинди. Маҳаллий халқ вакиллари — зиёлилар, хунармандлар, олим уламо-лар билан учрашдик. Мулоқотларнинг асосий мақсади Соҳибқирон юрган йўллар, улуг аждодларимиздан қолган моддий-маънавий мерос борасида янги далил ва маълумотлар тўплашдан иборат эди.

ЯНА КОНДУРЧА ЖАНГҲОҲИ ҲАҚИДА

Шуни таъкидлаш жоизки, Соҳибқирон Амир Темур 1391 йилги Тўхтамишхонга қарши юриши олдида ўғиллари — Фаргона давлатининг пойтахти Андижонда ҳукмронлик қилаётган Умаршайх Мирзо ва Хуросон пойтахти Ҳиротда ҳукмронлик қилаётган Шохруҳ Мирзога Дашти Қипчоқ томон йўлга чиқишларини буюради. Уч томондан — Самарқанддан, Андижон ва Ҳиротдан келиб қўшилган жангдор аскарлар Олтин Ўрдага қараб юрдилар.

Буюк Соҳибқирон Амир Темур ва Тўхтамишхон ўртасида энг кескин тўқнашув бўлиб ўтган майдон хусусидаги маълумотлар борган сари кўпаймоқда ва фарзлар янги далиллар билан мустаҳкамланмоқда. Кондурча (Кундузча) жанггоҳидан топилган моддий маданият излари янада яққол кўзга ташланмоқда. Гап шундаки, Кондурча дарёси ҳавзасидан XIII-XIV асрларга оид ашёлар аввалги йилларда ҳам топилган. Аммо кейинги пайтларда маҳаллий ўлкашунослар (А.Опарин, Ю.Бриков, А.Малигин ва бош-

қалар) Самара вилояти ўлкашунослик музейи олимлари ва Бобур халқаро жамоат фонди билан ҳамкорликда Самара вилояти ҳудудида илмий изланишлар олиб бормоқдалар. Уларнинг тадқиқотлари натижасида аниқланган осори атиқалар сони ҳозирги вақтда 30 дан ортиб кетган.

Мухими, зикр этилган жойдан, яъни Кондурча ва Сох дарёлари кўшилган учбурчак кўринишидаги кенг соҳил-майдонда Соҳибқирон ҳарбий қароргоҳининг мудофаа иншоотлари топилган. Лашкаргоҳ шимоли-шарқ ва шимоли-ғарб томонлари ўраб турувчи хандақ ва кўтарма ёки туپроқ девор кўринишидаги сунъий говдан иборат бўлган. Мазкур қароргоҳдаги хандақ ва кўтарма, девор қуриш усули ва типини Олтин Ўрданинг ўша давр мудофаа иншоотларидан тубдан фарқ қилади. Масалан, Волга бўйидаги Булғор ва Биляр каби археология ёдгорликлардаги ҳимоя иншоотлари ўз ички тузилишлари жиҳатидан Кондурчадагига ўхшамайди. Волгабўйи шаҳарлари мудофаа иншоотларида «қозик девор» ёки ёғочлардан (бревно/хода) синч қилиниб, ичи туپроқ билан тўлдирилган. Бу ҳолат Амир Темур қароргоҳлари учун хос эмас.

Ана шундай ўзига хос қурилиш жараёнларини ўрганиш учун биз самарали ўлкашунослар билан мазкур ҳудудда, яъни, Малая Каменка, Трухмянка, Кочкор қишлоқлари чегарасида археология кузатув ишларини олиб бордик. Бундан ташқари, П.В.Алабин номидаги Самара ўлкашунослик музейи археологлари билан ҳамкорликда жанггоҳда яна учта назорат кудуқлари (шурфлар) қавланиб, у жойларда маданий қатлам қолдиқлари, ҳатто бир кудуқда бронза даврига оид қатламлар борлиги аниқланди. Шурфлардаги маданий қатламлар қалинлиги 1,5-2 метрларга боради. Улар ранги-тусидан бир-биридан ажралувчи, юмшоқ агро ётқиқлардир. Аммо юқоридан ҳисоблаганда 4-қатламда ёғочнинг майда куйик қолдиқлари чиққан. Ушбу шурфдан туپроқ қатламлари намуналари лаборатория таҳлили учун мутахассислар томонидан Канадага олиб кетилган. Текширув натижалари тез орада тайёр бўлиши кутилмоқда. Мазкур лаборатория 15-25 йил аниқлик билан қатламлар даврини белгилаш салоҳиятига эга илмий марказлардан ҳисобланади. Унинг ҳулосалари Кондурча жанги тафсилотларига янада ойдинлик киритса ажаб эмас...

(Давоми 3-бетда.)

Оила институти

СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗ ҚАНДАЙ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига оила институтини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинмоқда. Мазкур қонун лойиҳаси билан болаларни фарзандликка олишнинг (васийлик ва ҳомийлик органи тавсиясига кўра) туман, шаҳар ҳоқими қарори билан амалга ошириш тартибини бекор қилиш, фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишининг суд тартибини жорий қилиш назарда тутилмоқда. Ушбу масала юзасидан сизнинг фикрингиз қандай? Фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд тартиби жорий қилинишининг афзаллиги ва ижтимоий аҳамияти нималардан иборат, деб ўйлайсиз? Биз халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз, партияимиз фаоллари, зиёлилар, ҳуқуқшунос олимлар ва газетхонларнинг фикр-мулоҳазаларини кутамиз.

Телефон/факс: 8 371 233-10-13, электрон манзил: ovozi@mail.ru

Ўқув-семинар

Қорақалпоғистон республикаси Беруний туманида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги доимий комиссиялар ва депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада такомиллаштиришга бағишланган ўқув-семинар ўтказилди. Унда маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари аъзолари, мутасадди идора-ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ ВА ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР

ИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА БАҒИШЛАНДИ

— Семинардан қўзланган асосий мақсад маҳаллий Кенгашлар депутатларининг фаолиятини кучайтириш, доимий комиссия ва депутатлик гуруҳлари сессияларига масалалар киритишда янада ташаббускор бўлишга эришишдир, — дейди ЎзХДП Беруний туман кенгаши раиси Халила Ешимбетов. — Чунки электротар манфаатларини самарали ҳимоя этиш, партия дастурий мақсадларини амалга оширишда маҳаллий Кенгаш депутатларининг фаолиги муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳар бир депутатлик гуруҳи изчил режа асосида тизимли иш юритиши талаб этилади.

Семинарда бу борада йўл кўйилган камчиликларни бартараф этишга қаратилган мулоҳаза ва таклифлар билдирилди. Тадбирда, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Регламент ва депутатлик одоб комиссияси раиси, ЎзХДП фракцияси раҳбари Қозқобой Жанибеков, ЎзХДП фракцияси аъзоси Бозорбой Оразалиев мавзу юзасидан атрофлича фикр билдирди. Семинар якунида кўрилган масала бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди. Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Ижтимоий ҳимоя

«АГРО БРАВО»НИНГ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАРИ

Бир пайтлар Самарқанд шаҳридаги «Агро Браво» корхонасининг низоом жамғармаси 600 миллион сўмини ташкил этиб, кунига бор-йўғи 300 литр сут қайта ишлаб чиқарар эди. Ҳозирда корхона низоом жамғармаси 1,5 миллиард сўмга етди.

— Корхонамизда кунига 20 тонна сут қайта ишланиб, йигирма хилдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда, — дейди бош технолог Мухаммад Усмонов. — Айни пайтда ишчилар сони 100 нафарни ташкил этмоқда. Корхонага хориждан келтирилган замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилиши ҳамда ишлаб чиқаришининг кенгайтирилиши натижасида келгусида 20 га яқин янги иш ўрни яратилади. (Ўз муҳбиримиз.)

ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

келажак пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилади

БУЮК МУРАББИЙ

БУГУНГИ АРМИЯГА МУНОСИБ АСКАРЛАР



СОҲИБҚИРОН ЮРГАН ЙЎЛЛАРДА

ОЛТИН ҲАҚИДАГИ САВДО-ИҚТИСОДИЙ МАРКАЗЛАРИ

Соҳибқирон, айрим фарб олимларнинг фикрига қарши ўлароқ, жануби-шарқий Европани босиб олиш ниятида бўлмаган, балки у Олтин Ҳақидани эгаллаб, ўзига қарашли бирор ҳукмдорни тахтга ўтказмоқчи бўлган. Асосий мақсад — Қора ва Каспий денгизи йўналишидаги халқаро карвон йўлини Турон заминига йўналтиришдек улкан стратегик режа эди. Олтин Ҳақидани ҳудудидан қадим замонлардан XVI аср бошларигача Фарби Шарқ билан боғлаган савдо йўли ўтган эди. У манбаларда баъзан «Мўйна йўли» деб ҳам юритилади. Амир Темур даврида ушбу йўлнинг икки тармоғи фаолият кўрсатган. Биринчи Русь жанубидан Қора ва Кулзум (Каспий) денгизлари бўйлаб, иккинчиси Каспийдан жануброқдаги Шом, Кичик Осиё — Кавказорти, Эрон ва Самарқанд орқали ўтар эди. Кейинги йўлни эгаллаш ва иқтисодий жиҳатдан кучли Табризни қўлга киритиш Олтин Ҳақидани халқнинг ҳам орауси эди. Бу йўлдан газлом, мовут, қурол-яроғ, заргарлик буюмлари, қимматбаҳо тошлар, чарм, мўйна, асал, асалари муми, туз, зираворлар, дон, ёғоч, балиқ, икра, зайтун ёғи каби товарлар олиб ўтилган. Ушбу карвон йўли Хоразм ерларидан ҳам ўтган бўлиб, Олтин Ҳақидани халқаро катта даромад келтирган. Яна бир карвон йўли Тан (Ростов-Дон) шаҳридан бошланиб, Сарой Боту, Дашти Қипчоқдан Олтойгача, сўнгра Қорақурум орқали Пекингача давом этган. Демак, бир сўз билан айтганда, мазкур беповён ҳудудда ўша даврнинг улкан геополитик манфаатлари мўжассам бўлган...

Қуйида экспедиция аъзолари бевосита бориб танишган, Олтин Ҳақидани давлатда мавжуд бўлган айрим шаҳарлар ҳақида сўз юритамиз.

Ҳожи Тархон (Астрахань) Олтин Ҳақидани халқаро катта даромад келтирган. XIII асрда Итил дарёсининг чап соҳилидаги Аштархон қишлоғи ўрнида қурилган бу шаҳар ҳақида Ибн Батута, Шарофиддин Али Яздий, Мирхонд асарларида маълумотлар учрайди. Ҳожи Тархоннинг тез ривожланиб кетишига сабаб, биринчидан, унинг қулай жўрғоғий жойлашуви бўлган. У шимол ўлкалари, Кавказорти, Урта Осиё, Хитой, Қримдан келадиган халқроқ магистрал йўллар ўтган чорраҳада жойлашган эди. Иккинчидан, Олтин Ҳақидани халқаро катта даромад келтирган Ҳожи Тархон атрофида бўлиши ҳам унга кўпгина афзалликлар туғдирди. Учинчидан, мазкур шаҳар Олтин Ҳақидани халқаро катта даромад келтирган кўпгина соҳиллардан овоз этилган эди. 1459 йилдан шаҳар Аштархон хонлигининг марказига айланган. 1589 йили Астрахань Кремли қурилган.

Сарой (Сарой Боту) ёки Сарой ал-Махрус (Дворец Богохранимий - Аллох паноҳидаги сарой) қолдиқлари ҳозирги Астрахань шаҳридан 80 километр шимолдаги Харобалик районининг Селитренное қишлоғи яқинида, Волга ирмоғи Ахтуба (Оқтўба) дарёсининг чап қирғоғида жойлашган. Бу археологик ёдгорлик ҳудудида кўп йиллардан бери қазимча ишлари олиб борилаётган. Шаҳар даҳаларга бўлиниб бошқарилган. Қуллоқлар, шиласозлар, металлчилар ва заргарлар даҳалари очиб ўрганилган. Ўша манбаларнинг гувоҳлик беришича «Сарой бозорлар, ҳаммомлар, диний муассасалари ўз ичига олган, Моворуннаҳр меъморчилик услубида қурилган машҳур шаҳарлардан бири бўлган».

Янги Сарой (Сарой Берка) ёки ал-Ҳадид саройига Олтин Ҳақидани халқаро катта даромад келтирган 1260 йили асос солинган. Ўзбекхон даврида хонлик маркази Сарой Ботудан Сарой Беркага кўчирилган. XIV асрнинг биринчи ярми бу шаҳарнинг гуллаган даври ҳисобланади. Сарой Берканинг харобалари ҳозирги Волгоград вилоятининг Ленин районида қарашли Царев қишлоғи яқинидадир. Урта асрларда шаҳарни ўз кўзи билан кўрган Ибн Батута шундай ёзади: «...кенг кўчалари, гавжум бозорлари бўлган гўзал бир шаҳар. Унда 13 та жомеъ масжиди ва яна бир неча масжидлар мавжуд. Бу ерда турли халқлар — мўғуллар, руслар, византияликлар, қипчоқлар, черкаслар яшайдилар. Давлатнинг расмий тили чигатой-турк тили бўлган. Султоннинг саройи Олтинтош деб аталади».

Археологик қазималарга кўра, шаҳар асосий кўчалар билан даҳа-

ларга бўлинган. Унинг марказий ва шимол-ғарбий қисмларида қуллоқлар, жез қуювчилар, суюқтарошлар, темирчилар, савдогарлар яшаган. Уларнинг бошпаналари пойдеворлари гиштдан кўтарилган ярим ертўла ёки ёғочдан тикланган уйлاردан иборат бўлган. Сарой Беркада Темир Хўжа, Ҳурд Малик, Келдибек, Хайр Пўлат номларида тангалар зарб қилинган ва муомалага чиқарилган.

Экспедициямиз аъзолари буюк Соҳибқирон изидан бориб, яна бир кўнра шаҳар харобаси — ўрта аср манбаларида **Белжамин** (Бельджамин) номи билан юритилган Водян археологик ёдгорлиги билан танишишга мўяссар бўлдилар. Белжамин шаҳри Амир Темурнинг Тўхтамишга қарши юришлари муносабати билан ҳам ёзма манбаларда тилга олинган, яъни 1395 йилги Терек дарёси соҳилидаги зафарли жангдан сўнг Соҳибқирон бу ерда тўхтаган. У Белжаминдан чиқиб, Дон дарёсининг қуйи оқими бўйлаб юрган. Ушбу археологик ёдгорлик ҳозирги Волгоград вилоятининг Дубовка шаҳри яқинида, Волга дарёси қуйи оқимининг ўнг қирғоғида жойлашган. Ана вақтдан бери олиб борилмаётган археологик изланишлардан аён бўлишича, мазкур шаҳар ҳам худди Сарой Боту ва Сарой Беркага ўхшаб бунёд этилган: шаҳар - кўчалар билан бўлинган уй-жой даҳаларидан иборат бўлган. Худудда уй-жойлардан ташқари турли маҳобатли иморатлар ҳам қурилган. Ана шулардан бири Белжамин жомеъ масжидидир (ўлчами 26х35 м). Масжиднинг яхши сақланган минора асоси ва меҳроби қавлаб очилган. Яна бир археологик иншоот-мураккаб иситиш тизимига эга бўлган жамоат ҳаммомидир. У тўққизта хонадан ташкил топган, улар ер ости сопол қувурлари орқали сув билан таъминланган. Археологларнинг фикрича, тилга олинган Олтин Ҳақидани халқаро катта даромад келтирган шаҳарлари лойиҳасида ўртаасийлик меъмор ва қурувчиларнинг иштироки, услубини кузатиш мумкин. Масалан, йўлларга сопол ёки гишт парчалари тўшашда, йўл четида ёки ўртасидан сув ариқлари қовлашда Моворуннаҳр қурилиш анъаналарининг таъсирини сезиш қийин эмас. Биз сафар чоғида танишган Олтин Ҳақидани халқаро катта даромад келтирган шаҳарларнинг деярли барчаси бир вақтнинг ўзида текислик жойда тикланган, улар остида олдинги қурилиш қатламлари йўқ. Улар учун яна бир умумийлик шуки, мазкур шаҳарларнинг барпо этилишида, Хуросон ва Хоразм меъморчилик усуллари билан унумли фойдаланилган.

ТЕРЕК ДАРЭСИ СОҲИЛИДА

Амир Темур Кондурча жангидан роппа-роса уч йил ўтиб, Олтин Ҳақидани масаласини узил-кесил ҳал этиш учун Тўхтамишга қарши янги юриш бошлади. 1394-1395 йилги қишлоғи Кулзум (Каспий) денгизи бўйидаги Махмудобод деган жойда ўтказди. 1395 йил 28 февралда Соҳибқирон Каспий денгизи қирғоғи бўйлаб Дарбанд томон юра бошлади. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Дарбанд ҳокими Ширвоншоҳ Иброҳим Дарбандий Амир Темурга соҳилқирини намойиш этиб, унга пешвоз чиқди. Ҳатто Амир Темур исмини хутбага қўшиб ўқитади ва унинг номи битилган тилла ҳамда қумуш тангалар зарб этилади. Бундан мамнун бўлган Соҳибқирон Иброҳим Дарбандийга кимхоб либос ёпиб, тахтини қайтариб беради ва Дарбанд дарсини кўриқлашни ҳам унга топширади.

Соҳибқирон жанг олдида Тўхтамишхон хузурига Шамс ад-дин Олмалиқийни тинчлик тақлифи билан юборди, бироқ Олтин Ҳақидани халқаро катта даромад келтирган Амир Темурга рад жавобини бергач, юриш давом эттирилган. Қўшинлар Дарбанд орқали Эльбрус тоғи этакларига етиб борадилар. Манбаларда ёзилишича, шу ерда Тўхтамишхон тарафдорлари бўлиши «кайтага» деган этник гуруҳ билан тўқнаш келадилар. Уларнинг бир қисми мўғул тилида, бир қисми турк тилида сўзлашган. Бу гуруҳнинг этник жиҳатдан кимлар экани номаълум бўлиб қолмоқда. Бир тахмин шундан иборатки, бу этник гуруҳ туркий тилининг қипчоқ қавмларига мансуб қумиқлар бўлиши мумкин. Қумиқлар тил жиҳатидан чигатой (эски ўзбек) тилига жуда яқин туради. Тарихчиларнинг фикрича, бу этник гуруҳ эрамиқ бошларида Дарбанд атрофларига келиб ўрнашган қадимий маҳаллий элталардан бири эди.

Амир Темур лашкари Терек дарёсидан ўтиб, Жулат деган жойда тўхтади. Озиқ-овқат, ем-хашак олинди ва қўшин кўриқдан ўтказилди. Соҳибқирон истеҳкомларни мус-

таҳкамлайди, қароргоҳ олдида бир эмас, иккитадан чуқур қаздирадики, бу тадбирлар қўшинларни жангга пухта тайёрлаш учун амалий оширилган эди. Бу ҳақда Шарофиддин Али Яздий шундай деб ёзади: «**Амир Темур мустаҳкамланган қароргоҳ учун жой танлаш ва шу ерда катта қўшинни жойлаштиришни ўз тавачиларига буюрди. Қароргоҳнинг атрофида хандақлар қазилиб, қозилар қозилди, бу хандақлар кетидан иккинчи — ташқи хандақлар қазилди.**»

«Терек жанги» номи билан машҳур бўлган бу тўқнашув Шимолий Кав-

казиргача сақланиб қолган. Булар Маджар, Қуйи Жулат, Юқори Жулат ёки Татартоп каби шаҳарлар бўлиб, мазкур кентлар Олтин Ҳақидани савдо-иқтисодий жараёнларида фаол роль ўйнаган.

Соҳибқирон Амир Темурнинг Кавказдаги ёқтирган жойларидан бири — бу табиатан гўяг гўзал Тоғли Қорабоғдир. Амир Темур табиатнинг бу сўлим гўшасида тўрт бора қишлаган ва ўрдагоҳи бунёд этилган. Кичик Осиё ҳукмдорларининг элчилари мадад сўраб, мазкур ўрдагоҳга ташриф буюрганлар. Ҳатто Византия ҳокимининг ноиб, Франция қиро-



Боқу шаҳридаги Алишер Навоий ҳайкали пойида

каздаги Терек ва Кума дарёлари оралигидаги Нўғай даштида 1395 йил 15-17 апрель кунлари бўлиб ўтади. Бу Амир Темурнинг Олтин Ҳақидани Тўхтамиш билан учинчи, гўяг кескин жанги эди. Унда икки томондан тахминан 450-500 минг киши қатнашган. Амир Темур яна Кондурча жангидаги тактикасини ишга солади. Тўхтамишхон ҳам худди Соҳибқиронникидай усулни қўлайди. Лекин Амир Темур 7 та қўл (лашкар қисмлари)дан иборат ягона жанговор кучни марказлашган ҳолда бошқариб, оғир ва ҳал қилувчи ғалабани қўлга киритади. Тарихчилар хабарича, Соҳибқирон қўшини Тўхтамишхоннинг қароргоҳида ташлаб кетилган жуда катта боғлик ва ҳазинага ҳам эга бўлади. Олтин Ҳақидани бутун мулки, хонумонидан, салтанатидан айрилади. У энди ҳеч қачон хонлик тахтига қайта ўтира олмайдиган ҳолатга келтирилган эди. Амир Темур Тўхтамишхонни қувиб Русиянинг Рязань вилоятигача бориб, Елец шаҳрини ишғол этган.

Энг асосийси, Амир Темурнинг 1391-1395 йиллардаги жанглири Европани, хусусан, Византияни мўғуллар босқинидан — муқаррар ҳалокатдан озод этади. Бинобарин, XIV аср охири ва XV аср бошларида Испания қиролли элчиси, Франция ва Англия қироллари вакиллари Соҳибқирон давлатининг пойтахти Самарқандга келиб, дипломатик фаолликларини кучайтиришлари бежиз эмас эди.

КАВКАЗ БЎЙЛАБ

Қозоғистон ва Россия орқали Кавказ республикаларига йўналтирилган сафаримиз, юқорида айтганимиздек, Соҳибқирон босиб ўтган йўллар бўйлаб амалга оширилди. Маълумки, Амир Темурнинг бу ҳудудларда бўлиши билан боғлиқ тарихий хотиралар, айрим ёдгорликлар ва жой номлари ҳозиргача сақланиб қолган. Сафар мобайнида ана шундай жойлар ва иншоотлар тарихини ўрганиш ҳам ҳаракат қилинди. Жумладан, Доғистонда «Темир-Хан-шўра» деган жой бор, асл маъноси «Темирхон шаҳри» демакдир. Мазкур қалъа-истеҳком Амир Темур номи билан ўзвий боғлиқ, Сабаби Кавказ юриши пайтида, яъни, 1394-1395 йиллари Соҳибқирон шу ерда тўхтаб, ўз ҳарбий қароргоҳини тиклаган. Кейинчалик қалъа-шаҳарга айланган Темир-Хан-шўра Доғистон халқлари тарихида алоҳида аҳамият касб этган. У 1860 йили Доғистон вилоятининг маркази, сўнгра — 1921 йили Доғистон мухтор республикаси пойтахти бўлган, 1924 йили номи Буйнакс деб ўзгартрилган.

Олтин Ҳақидани Шимолий Кавказдаги бир неча шаҳри харобалари

ли, Султония шаҳрининг католик миссионерлари наҳот сўраб, Соҳибқиронга мурожаат этганлар ва Турон султони уларга мурожаат кўрсатган.

Тарихий манбалардан бизга маълумки, Тоғли Қорабоғ ўлкасида Бобур Мирзонинг катта бособи, Турон ва Хуросон ҳукмдори Абусаид Мирзо ҳам бир неча мартаба бўлиб, Ирок, Эрон, Кавказорти мамлакатларида тартиб ўрнатган. Абусаид Мирзо айнаи шу ўлкада душманлар томонидан ҳалок этилган. Таассуфки, Амир Темур бобомизнинг хорижий давлат арбоблари ва элчиларини қабул этган саройи жойлашган ўрда энди йўқ, вақт ўзи ишини қилган — ўрда билан боғлиқ бирор ёдгорлик қолмаган. Бунда, шубҳасиз, сиёсий аҳволнинг беқарорлиги ҳам ўз таъсирини ўтказган кўринади.

Экспедициямиз сафарининг режасида, одатдагидек, ушбу жойлардаги буюк алломаларнинг қабрлари ва қадимжоларини зиёрат қилиш ва ўрганиш ҳам кўзда тутилган эди. Ана шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда Кавказ ўлкаларида ўларнинг бетакор, умрбоқий асарлари туфайли тилларда ва дилларда асрлар оша яшаб келаятган улғу шоирларнинг номлари, хотиралари билан боғлиқ жойлар диққат-этиборимизда бўлди. Жумладан, Боқу ва Ганжа шаҳарларидаги Низомий Ганжавий, Боқудаги Муҳаммад Фузулий ёдгорликлари шаклий маҳобати, меъморий жиҳатдан ўзига хослиги ва мазмундорлиги билан ҳаммамизда катта таассурот қолдирди. Ҳазрат Алишер Навоийга қардош озарбайжон халқининг катта муҳаббати тимсоли сифатида мамлакат пойтахтидаги Озодлик кўчаси билан туташ хиёбонда қад кўтарган мухташам ҳайкални кўриб, қалбларимизда гуруру ва ифтихор туйғулари жўш урди.

Маҳаллий зиёлилар ушбу ҳайкалнинг очилиш мurosимидида Ўзбекистон раҳбари Исроом Каримов ва Озарбайжон раҳбари Илҳом Алиев иштирок этганини хурмат билан сўзлаб беришди.

Маҳаллийда эса бизга машҳур шоир ва жамоат арбоби Расул Ҳамзатовнинг ижодий мероси авайлаб сақланаётган хонадонда бўлиш насиб этди. Шоирнинг оила аъзолари билан қизқарли сўхбат ўтказиб, китоблар ва соғалар айирбошланди.

МАШҲУР МЕЪМОРИЙ ОБИДАЛАР

Навбатдаги зиёрат жойларимиз Арманистон орқали Эрон мамлакатининг Табриз, Техрон, Нишопур ва Маҳшад каби тарихий шаҳарлари бўлди.

Эрон Ислоом Республикаси пойтахти Техрон замонавий йирик шаҳар бўлиб, XII асрда Рай шаҳри яқинида барпо қилинган. XIV асрдан бошлаб ушбу ҳудуднинг йирик савдо-иқтисодий шаҳри ҳисобланган. Табриз эса Эроннинг шимол-шарқидидаги Шарқий Озарбайжон остони (вилоятининг маъмурий марказидир. Табризга III-IV асрларда сосонийлар томонидан асос солинган. Алишоҳ жомеъ масжиди (1310-1320), Кўк масжид (1465) каби тарихий меъморий ёдгорликлари бор.

Эроннинг шимол-шарқидида яна бир тарихий шаҳар Нишопур (Най-

ди Маҳтумқули (Фирогий)нинг Гургон вилояти марказидан 120 километр наридаги Ақтўқай қишлоғида жойлашган қабр-мақбарасидир. Дунёқарши, ижодининг халқоналиги билан барча туркий эл-элатлар орасида катта шухрат қозонган шоир асарларини ўзбек китобхонлари ҳам севиб ўқийдилар. Шу маънода биз Фирогий қабр-мақбарасини топиб, унинг ҳолати билан танишишни, шоир ҳақида дуои фотиҳа қилишни ўзимизнинг бурчимиз деб ҳисобладик.

Ақтўқай чекка овул бўлишига қарамай, Маҳтумқулига мухташам ёдгорлик ўрнатилган, мақбара остига шоир ва унинг отаси Давлат Мамад Озодийга мармардан сағана тоши қўйилган.

Маълумки, Марказий Осиё тарихида кўнра Хоразм қадимий тамаддун марказларидан бири сифатида алоҳида ўрин тутди. У Амир Темур тахтга чиққан даврда Олтин Ҳақидани таркибта эди. Хоразм ҳудуди 1388 йили узил-кесил Соҳибқирон тасарруфида ўтди. Шу тариқа Амир Темур Моворуннаҳр, Хуросон ва Хоразмни бирлаштириб, ягона марказлашган кучли давлатни вужудга келтирдики, бу жараён мазкур ҳудудлардаги халқлар ҳаётида ижобий аҳамият касб этди.

Хоразмнинг X-XIV асрлардаги пойтахти Кўнра Урганч (Гурганч) савдо-иқтисодий ва маданий марказлардан бири ҳисобланган. 1333 йили машҳур араб сайёҳи Ибн Батута Гурганчга келган. XII-XIV асрларда бунёд этилган ёдгорликлар ўз гўзаллиги ва меъморий ёчимлиги билан ҳозир ҳам кишини ҳайратга солади. Биз бу тарихий масканда бўлиб, Наҳмиддин Кубро мақбараси, Қутлуғ Темур жомеъ масжиди минораси, Тўрабек хоним мақбарасини зиёрат қилдик. Ибн Батутанинг ёзишича, Тўрабек хоним Олтин Ҳақидани хони Муҳаммад Ўзбекхоннинг қизи, Урганч ҳокими Қутлуғ Темурнинг хотини, Қутлуғ Темур эса Ўзбекхоннинг холавачаси эди. Наҳмиддин Кубро мақбараси эса кубровийлик тариқатининг асосчиси бўлган улғу ватадонимиз хотирага бағишланб қурилган. Наҳмиддин Кубро 1221 йили мўғул босқинчилиги қарши жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлганини барчамиз яхши биламиз.

Экспедициямизнинг навбатдаги илмий сафари натижасида қўлга киритилган тарихий маълумотлар бир ҳақиқатни тақдор тасдиқлай беради. Яъни, Соҳибқирон Амир Темурнинг Волга бўйига 1391-1395 йиллардаги жанговор юришлари Русия ҳудудини мўғул ҳукмронлигидан ҳалос этишда ҳал қилувчи роль ўйнади. Шунингдек, ушбу жанглар Эрон, Кавказорти, Урта Осиё меъмлакатларида мўғул истилосининг буткул тугатилишида асосий омил бўлди.

БУЮК БУНЁДРОН

Айна вақтда Соҳибқирон Амир Темур Турон давлати сарҳадларини мустаҳкамлаш ва юрт ободончилиги йўлида улкан бунёдкорлик ишларини ҳам амалга оширди. Шунинг учун ҳам Темур ва темирыйлар даври дунё олимлари томонидан ўзига хос Ренессанс — Уйғунш даври деб аталади. «**Қай бир жойдан бир гишт олсам, ўрнига ўн гишт қўйдирдим, бир дарахт кесдирсам, ўрнига ўнта кўчат эқтирдим,**» деб таъкидлайди Соҳибқирон бобомиз. Амир Темур Моворуннаҳр ва Туркистон шаҳарлари қатори Султония, Қорабоғ, Бағдод, Дарбанд, Бойлақон каби бир қатор шаҳро кентлари ва бошқа жойларни ҳам обод этгани тарихий манбалардан яхши маълум. Муаррихларнинг эътирофи этишларича, Темур ва темирыйлар ҳукмронлиги даврида қўпгина мадасалар, хонақоҳлар, ҳаммомлар, жомеъ масжидлари, боғу бўстонлар, қарвон йўлларида работлар, қалъалар, кўприклар бунёд этилган.

Экспедициямизнинг қарийб бир ой давом этган сафари давомида турли мамлакат ва миллат вакиллари билан бўлган учрашув ва мулоқотларимизнинг асосий мавзусини кўнра тарихга эга Ўзбекистонимиз мустақиллик йилларида Президентимиз Исроом Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган кенг қўламли сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳалардаги янгилишлар туфайли таниб бўлмас даражада ўзгариб, юксалиб бораётгани ҳақидаги сўхбатлар ташкил этгани бизга аниқса катта гуруру бағишлайди.

Зокрижон МАШРАБОВ,
Бобур халқаро жамоат фонди раиси,
Боқижон МАТБОБОВ,
Археология институти бўлими мудири,
тарих фанлари доктори,
Камчибек КЕНЖА,
ёзувчи.

Бугун Алишер Навоий таваллуд топган кун

БУЮК МУРАББИЙ

Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг гурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир.

Ислом КАРИМОВ



Хазрат Алишер Навоий ўзининг бетакорроғазаллари, буюк «Хамса»си билан ўз даврида жуда катта шон-шухрат қозонган эди.

Улуғ шоир умр сўнггида авлодларга айтадиган панд-насихатларини, дил дардларини, қалб хайкириқларини, ҳаёт сабоқларини жамлаб, ўзининг «Маҳбуб ул-қулуб» асарини яратди.

«Маҳбуб ул-қулуб» «Қалбларга севимли бўлган китоб» маъносини беради. Уни «Дилларга ошно асар» ёки «Қалбларга яқин китоб» деб таржима қилиш ҳам мумкин. Асар нега бундай номланган? «Маҳбуб ул-қулуб» биринчи навбатда кимларга мўлжаллаб ёзилган? Маълумки, ушбу асар Навоийнинг умр ниҳоясида яратилган. Бу асарни ёзишга қандай эҳтиёж бор эди? Қалблар деганда Навоий кимларни назарда тутди? Булар ҳақида билиш асарнинг қимматини белгилашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Асарнинг муқаддимасида шоир чуқур бир хўрсиниш билан ўз ҳаёт йўлида учраган қийинчиликларга назар ташлайди. Мен, дейди Навоий, қўлим калталик пайти кўп хорлик ва нотавонликларни кўрдим. Ҳаётнинг турли синонвларига дуч келдим, гоҳ пасткаш лаинлар мени хўрладилар, гоҳ разиллар камситдилар. Хар кўча-кўйга кирдим, турли эл ва тоифаларга қўшилдим, яхшиларнинг ях-

шиликларидан бахраманд бўлдим, ёмонларнинг фитналаридан қалбим жароҳатланди, пасткашларнинг қилқилларидан кўнглим яраланди, олижаноб инсонларнинг муносабати кўнглимга малҳам бўлди.

Тақдир кулиб боққанда амир ва ҳоким ҳам бўлдим. Унда адолат билан иш кўрдим, таъзим ва саховатни қанда қилмадим, қўлимдан келганча яхшилик қилдим. Мен яхши-ёмоннинг фарқи бордими, жуда кўп уқубат ва кўргуликлар натижасида катта ҳаётий тажриба тўпладим.

Гаҳе топдим фалақдин нотавонлиг,

Гаҳе кўрдум замондин комронлиг.

Басе иссиғ, совух кўрдум замонда,

Басе аччиғ, чучук тоттим жаҳонда.

Аммо дейди хазрат, ҳаётнинг бундай аччиқ, огир синонвларига ҳали хануз дуч келмаган инсонлар кўп. Улар умр йўлида қўқилмасликларни, яхши-ёмонни фарқлай олишлари учун ушбу китобни ёздим, уларни хушёр тортириш ва оғоҳ этишни вожиб деб билдим.

Китоб ҳар бир инсон эгаллаши лозим бўлган гўзал ҳулқ, юксак маънавий мезонлари ҳақида атрофлича маълумот беради.

Кўриниб турибдики, бу асар ҳали етарли ҳаётий тажрибага эга бўлмаган инсонларга, назаримизда, кўпроқ ёшларга атаб ёзилган. Токи, дейди Навоий, улар жамият ичиданги барча тоифа ва табақаларда уч-

тарган бўлса, табиблар чиқаётган жонга даво билан танани тарк этишга монелик қилади, дейди. Табиб ўз фанида ниҳоятда моҳир, касбига садоқатли, беморга марҳаматли ва шафқатли бўлиши лозим. Бундай табибнинг юзи беморга маҳбуб, сўзи бемор жонига марғуб, яъни ёқимлидир. Қадамлари хасталарга яшифо бўлади. Аммо ўз касбини яхши эгалламаган, ёмон феълли, бепарво ва дағал муомалали бўлса, беморни бир томондан даволаган билан, бошқа томондан кўнглини жароҳатлайди. Агар табиб ўқимишли, илмли бўлмаса, у жаллод шогирдидир. Жаллод тиф билан ўлдирса, у даво ўрнига заҳарлайди.

Жамиятнинг фасол аъзоларига айланб бораётган ёшлар ўз жамиятларининг камолоти учун қандай фазилатларга эга бўлмоқликлари керак? Ушбу кишилик жамиятида эзгулик ва тўлиқ саодатмандлик ҳукм суриши учун жамият аъзолари қандай тамойилларга асосланмоқлари лозим? Буни Навоий асарнинг иккинчи қисмида 10 та боб доирасида таҳсинга сазовор феъл-атвор, юксак ҳулққа эришиш тамойиллари орқали очиб беради. Булар тавба, зухд, таваққул, қаноат, сабр, тавозе ва адаб, зикр, ризо, таважжўх ва ишқдир. Мана шу фазилатлар инсон қалбини тугён ва исёндан сақлайди, унга хузуру ва ҳаловат бахш этади, ҳулқини гўзал қилади, бардошини оширади. Иродасининг бақувват бўлишига кўмаклашади.

Масалан, табиблар Исо пайгамбарга ўхшатилади. Исо чиққан жонни дуо билан инсон танасига қай-

тарган бўлса, табиблар чиқаётган жонга даво билан танани тарк этишга монелик қилади, дейди. Табиб ўз фанида ниҳоятда моҳир, касбига садоқатли, беморга марҳаматли ва шафқатли бўлиши лозим. Бундай табибнинг юзи беморга маҳбуб, сўзи бемор жонига марғуб, яъни ёқимлидир. Қадамлари хасталарга яшифо бўлади. Аммо ўз касбини яхши эгалламаган, ёмон феълли, бепарво ва дағал муомалали бўлса, беморни бир томондан даволаган билан, бошқа томондан кўнглини жароҳатлайди. Агар табиб ўқимишли, илмли бўлмаса, у жаллод шогирдидир. Жаллод тиф билан ўлдирса, у даво ўрнига заҳарлайди.

Жамиятнинг фасол аъзоларига айланб бораётган ёшлар ўз жамиятларининг камолоти учун қандай фазилатларга эга бўлмоқликлари керак? Ушбу кишилик жамиятида эзгулик ва тўлиқ саодатмандлик ҳукм суриши учун жамият аъзолари қандай тамойилларга асосланмоқлари лозим? Буни Навоий асарнинг иккинчи қисмида 10 та боб доирасида таҳсинга сазовор феъл-атвор, юксак ҳулққа эришиш тамойиллари орқали очиб беради. Булар тавба, зухд, таваққул, қаноат, сабр, тавозе ва адаб, зикр, ризо, таважжўх ва ишқдир. Мана шу фазилатлар инсон қалбини тугён ва исёндан сақлайди, унга хузуру ва ҳаловат бахш этади, ҳулқини гўзал қилади, бардошини оширади. Иродасининг бақувват бўлишига кўмаклашади.

Масалан, табиблар Исо пайгамбарга ўхшатилади. Исо чиққан жонни дуо билан инсон танасига қай-

тарган бўлса, табиблар чиқаётган жонга даво билан танани тарк этишга монелик қилади, дейди. Табиб ўз фанида ниҳоятда моҳир, касбига садоқатли, беморга марҳаматли ва шафқатли бўлиши лозим. Бундай табибнинг юзи беморга маҳбуб, сўзи бемор жонига марғуб, яъни ёқимлидир. Қадамлари хасталарга яшифо бўлади. Аммо ўз касбини яхши эгалламаган, ёмон феълли, бепарво ва дағал муомалали бўлса, беморни бир томондан даволаган билан, бошқа томондан кўнглини жароҳатлайди. Агар табиб ўқимишли, илмли бўлмаса, у жаллод шогирдидир. Жаллод тиф билан ўлдирса, у даво ўрнига заҳарлайди.

Жамиятнинг фасол аъзоларига айланб бораётган ёшлар ўз жамиятларининг камолоти учун қандай фазилатларга эга бўлмоқликлари керак? Ушбу кишилик жамиятида эзгулик ва тўлиқ саодатмандлик ҳукм суриши учун жамият аъзолари қандай тамойилларга асосланмоқлари лозим? Буни Навоий асарнинг иккинчи қисмида 10 та боб доирасида таҳсинга сазовор феъл-атвор, юксак ҳулққа эришиш тамойиллари орқали очиб беради. Булар тавба, зухд, таваққул, қаноат, сабр, тавозе ва адаб, зикр, ризо, таважжўх ва ишқдир. Мана шу фазилатлар инсон қалбини тугён ва исёндан сақлайди, унга хузуру ва ҳаловат бахш этади, ҳулқини гўзал қилади, бардошини оширади. Иродасининг бақувват бўлишига кўмаклашади.

Масалан, табиблар Исо пайгамбарга ўхшатилади. Исо чиққан жонни дуо билан инсон танасига қай-

тарган бўлса, табиблар чиқаётган жонга даво билан танани тарк этишга монелик қилади, дейди. Табиб ўз фанида ниҳоятда моҳир, касбига садоқатли, беморга марҳаматли ва шафқатли бўлиши лозим. Бундай табибнинг юзи беморга маҳбуб, сўзи бемор жонига марғуб, яъни ёқимлидир. Қадамлари хасталарга яшифо бўлади. Аммо ўз касбини яхши эгалламаган, ёмон феълли, бепарво ва дағал муомалали бўлса, беморни бир томондан даволаган билан, бошқа томондан кўнглини жароҳатлайди. Агар табиб ўқимишли, илмли бўлмаса, у жаллод шогирдидир. Жаллод тиф билан ўлдирса, у даво ўрнига заҳарлайди.

Шухрат СИРОЖИДДИНОВ, филология фанлари доктори, профессор.

Кўргазма

Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Темури Сатдуллаевнинг Алишер Навоий таваллудининг 572 йиллигига бағишлаб бадий кўргазмаси очилди.

УЛУҒ ШОИР ТАВАЛЛУД КУНИГА БАҒИШЛАНАДИ



«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, санъатшунослари ва халқ усталарининг «Юс» уюшмаси ҳамкорлигида ташкил қилинган маъруза кўргазмада буюк мутафаккир ҳаёти ва ижодига бағишланган рангтаъвир, миниатюра йўналишларида олтинмиша яқин асарлар намойиш этилди.

Мусаевир томонидан Навоийнинг «Хайрат ул-аббор», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи Сайёр», «Садиқ Искандарий», «Лисон ул-тайр» сингари асарларига ишланган суратлар кўргазма иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

— Алишер Навоий асарлари бир уммонга ўхшайди, — дейди мусаевир. — Ҳар сафар унинг ижодига мурожаат этганимда, янги-янги қирраларини кашф этаман.

Ферузобону НАБИЕВА, ЎзДЖТУ халқроқ журналистика факультети талабаси.

Ватан ҳимояси — олий шараф

БУГУНГИ АРМИЯГА МУНОСИБ АСКАРЛАР



Аскар ЕКУБОВ (ЎЗА) олган сурат

Самарқанд вилоят мудофаа ишлари бошқармаси йигув пунктида муддатли ҳарбий хизматга қақирлувчиларни кузатиш маросими бўлиб ўтди. Унда қақирлувчиларнинг ота-оналари ва яқинлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Тантанали тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимиз Қуроли Кучларида олиб борилаётган ислохотлар туфайли миллий армияда хизмат қилиш шон-шараф ишига айланганлиги, ҳарбий хизматчиларга яратиб берилаётган имконият ҳамда имтиёзлар ҳақида гапирди.

Юқори савияда ташкил этилган шодивендан сўнг йигитларга совғалар топширилди.

— Мен армияда хизматда бўлишни болаликдан орзу қилардим. Чунки, Қуроли Кучлар сафида бўлиб, она-Ватанимнинг тинчлиги-осойишталигига озгина бўлса-да ҳисса қўшиш фар-

зандлик бурчим, — дейди қақирлувчи Шохруҳ Юсулов. — Бугунги тантанали кузатиш маросимига мен истиқомат қиладиган Пастдарғом тумани Болтали қишлоғидан маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ота-онам ва қариндошларим келишган. Улар олдида, ҳамкишлоқларим олдида ваъда бериб айтманки, халқимиз ишончини оқлаб, ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаб қайтаман.

— Илгарилари муддатли ҳарбий хизматга қақирш мажбуран амалга оширилди, — дейди Шохруҳнинг отаси Умаркул Юсулов. — Мен 1985 йилда шу ер-

дан ҳарбий хизматга қақирилганман, аммо ўша вақтларда бугунгидай эътибор, ҳурмат-иззаат бўлмаган. Мана, қаранг, муддатли ҳарбий хизматга жўнаётганлар учун ҳамма шароит яратилган. Ҳарбий либослари ўзларига ярашиб турган йигитларга қараб ҳавасим келади. Қани энди, мен ҳам қайтадан ёш бўлсаму мустақил Ўзбекистон сарҳадларининг осойишталиги учун хизмат қилсам. Бундай кунларга фарзандларимиз етганидан шукр қиламиз.

— Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимиз Қуроли Кучларида олиб борилаётган тизимли ислохотлар туфайли ҳар жихатдан мукамал, кам сонли, лекин тез ҳаракатланувчи замонавий миллий армиямиз шаклланди, — дейди вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи ўқитибчи Камалов. — Фуқароларнинг армия сафларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ

шарт-шароитларининг такомиллаштирилиши, ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари учун давлатимиз томонидан муносиб меҳнат ва турмуш шароити яратилиши халқимизнинг, айниқса, ёшларнинг ҳарбий хизматга муносабатини тубдан ўзгартирди.

— Ҳарбий хизматга қақирлувчилар танлаб олинмоқда. Ҳозирга қадар туман ва шаҳар мудофаа ишлари бўлимлари ҳамда қақирув комиссиялари томонидан қақирлувчиларнинг саломадлиги, жисмоний тайёргарлиги тегишли тартибда ўрганилди, — дейди вилоят мудофаа ишлари бошқармаси қақирув бўлими бошлиғи Мурод Улмасов. — Давлат тест марказининг вакиллари уларнинг билим даражасини тест асосида баҳолаб берди.

— Қақирув мавсумининг юқори савияда ўтиши ва энг муносиб йигитларнинг муддатли ҳарбий хизматга жалб этилиши кўп жихатдан жойлардаги қақирув пунктларининг моддий-техник базаси ҳамда уларнинг юқори малакали мутахассислар билан таъминланишига боғлиқ, — дейди вилоят йигув пункти қақирув-тиббий комиссияси катта вақитчи Куват Бобоев. — Ўтган йиллар давомида вилоят йигув пункти, туман ва шаҳарлардаги мудофаа ишлари бўлимлари қақирув пунктларида қурилиш-реконструкция ишлари бажарилди. Барча объектлар керакли жиҳоз ва мебеллар билан таъминланди. Ҳар бир тиббий ходимга алоҳида хона, элик-олтмиш ўринли зал, ошхона, қақирлувчилар учун ювиниш ва ечиниш хоналари ташкил этилди.

Буларнинг барчаси муддатли ҳарбий хизматга жисмонан соғлом, интеллектуал жиҳатдан салоҳиятли йигитларни жалб этишга қаратилган. Қўрилаётган чора-тадбирларнинг самарасини бугун муддатли ҳарбий хизматга жўнашга шай турган аллоҳмат йигитлар тизимлида кўриш мумкин.

Абдували ХУДОЁЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Шоҳмат

Пойтахтимизда болалар ва ўсмирлар ўртасида навбатдаги Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Швейцарча тизимда ўтказилган баҳсларда икки юз нафарга яқин ёш шоҳмат усталари голиблик учун дон сурдилар.

ГОЛИБЛАР ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА БОРАДИ

Ўн ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида кўпчилик жаҳон ва Осиё чемпиони Нодирбек Абдусатторовнинг имкониятини юқори баҳолашаётгани. Сўнгги тургача голибликка асосий даввогарлар сафида бўлган пойтахтлик ёш шоҳматчи ҳал қилувчи учрашувда рақиб билан дуранг ўйнади. Нодирбекнинг ярим очко йўқотганидан унумли фойдаланган Жавоҳир Синдоров бухоролик Далер Саидовни енгди ва саккиз очко тўплаб, олтин медалга сазовор бўлди. Нодирбек Абдусатторов иккинчи ўрин билан кифояланди. Навоийлик Меҳриддин Йўлдошевга бронза медали насиб этди.

Шу ёшдаги қизлар баҳсида кучли учликни Дилбар Ҳамроева, Олюя Ҳегай ҳамда Лейла Кимлар эгаллади.

16 ёшгача бўлган ўсмирлар баҳси ҳам бир қатор қутилмаган натижаларни тақдир қилди. Жумладан, мусобақада ФИДЕ усталари Олег Артёменко ҳамда Темури Игонинлар кучлилар қаторига қўшила олмади. Баҳслар якунида пойтахтлик Жаҳонгир Шовдиров 7,5 очко жамғариб, олтин медални қўлга киритди. Кейинги фахрли ўринлардан эса пойтахт вилояти вакили Алишер Бекмуродов ҳамда Ортиқ Нейматов (Тошкент)лар жой олдилар.

Қизлар ўртасидаги учрашувларда самарқандлик Гулҳаё Нарзиқуллова тўққиз имкониятдан етти очко жамғариб, мамлакат чемпионига айланди. Фарғоналик Нодирабегим Партиева кумуш, пойтахтлик Баҳора Абдусатторова эса бронза медали билан тақдирланди.

Эслатиб ўтамиз, ўз ёш гуруҳларида олтин медал совриндорлари амалдаги йилда бўлидиган жаҳон чемпионатларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилса, иккинчи ўрин соҳиблари қитъа миқёсидаги баҳсларда ўз омадларини сынаб кўришади.

Эркин ХОЛБОБО

MUASSIS: Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TANHIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Murodulla ABDULLAYEV	Muslihiiddin MUHIDDINOV
Latif G'ULOMOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Ochilboy RAMATOV
Sharbat ABDULLAYEVA	Tat'yana KISTANOVA	Saidahmad RAHIMOV

BO'LINLAR: Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Sport va vatandorlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kofibiyat — 233-72-83, 233-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

BO'LINLAR: Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. O'zbekiston ovozi materiallarini ko'chirib boshish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Navbatchi: Toshtemir XUDYOQULOV

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2000-7633

1 2 3 4 5